2024-yil 12-oktabr, shanba

№124 (5032)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

УМУМХИТОЙ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ САМАРҚАНДДА

Шу кунларда мамлакатимизда бўлиб турган Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакилларидан иборат делегация Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Шу асно «SAG» гиламлари корхонасида бўлиб, меҳнаткашлар учун яратилган шарт-шароитлар, меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо беришди.



Қайд этиш жоиз, айни пайтда ушбу корхонада 1 минг 300 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 300 нафари хотин-қиз, 20 нафари ногиронлиги бор шахслар. Улар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган.

Делегация аъзолари, шунингдек, қарийб бир ярим асрлик тарихга эга М.А. Хавренко номидаги вино ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашида касаба уюшма фаоллари, тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари ҳамда йирик бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари билан бўлиб ўтган учрашув меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

– Юз йиллик тарих остонасида турган Хитой касаба уюшмалари солномасида янги уфқ очилди, – деди Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ян Юйдун. – Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари ва Умумхитой касаба уюшмалари ўртасида имзоланган меморандум ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Мазкур ҳужжат меҳнат жамоаларида ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда дастуриламал вазифасини ўтайди. Бу борада эндиликда бир-биримиздан андоза олиб, ўз имкониятларимизни янада кенгайтирамиз. Зотан, бунинг учун ҳар икки томонда ҳам етарли тажриба бор.

Мулоқот давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Саидмурод Ҳасанов, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жомбой тумани кенгаши раиси Зулфия Атамуродова ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳамкорликни ривожлантириш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Делегация аъзолари «Афросиёб» музейи, «Шоҳизинда» меъморий ёдгорлиги, «Амир Темур» мақбараси, «Регистон» майдони, «Боқий шаҳар» мажмуаси, «Ўзбекистон – Хитой олтин мероси» музейи, Конфуций боғи, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Бибихоним масжиди, «Сиёб» деҳқон бозорида ҳам бўлишди.

Меҳмонлар қайта-қайта эътироф этишганидек, ташриф самарали ва ёркин таассуротларга бой бўлмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Ашхобод шаҳрида туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган «Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги – тинчлик ва тараққиёт асоси» мавзусидаги халқаро форумда қатнашди.

Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов раислигида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардарий, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Арманистон Республикаси Президенти Ваагн Хачатурян, хорижий давлатлар парламентлари раҳбарлари ва юқори мартабали вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар бошлиқлари иштирок этди.

• • • • •

Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси делегацияси Тожикистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланган Халқаро парламент конференциясида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрида бўлиб турибди.

• • • • •

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

• • • • •

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, Сирожиддин Саййид ҳамда уюшма аъзоси, таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Баҳодир Карим Туркманистоннинг «Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги» юбилей медали билан тақдирланди.

• • • • •

Урал Юсупов Ўзбекистон тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари этиб тайинланди.

Семинар

БАРЧА МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИДА ИШЛАШГА ҲАҚЛИ

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш университети билан ҳамкорликда «Муносиб меҳнат – барқарор жамият гарови» мавзусида семинар ўтказди.



– Бугун мамлакатимизда давлат ва жамият ривожи йўлида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қурилиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг асосий драйверларидан бирига айланиб улгурди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги матбуот котиби Саидносир Усмонов. – Биргина ўтган йили мамлакат бўйича 85 мингта уй-жой қурилган бўлса, бу йил ушбу рақам 100 мингтага етди. «Янги Ўзбекистон» массивларини олсак, 2030 йилга бориб уларнинг қурилиши 100 тагача етказилади. Университетда салоҳиятли ёшлар кўп. Уларда креатив ёндашувлар, ғоялар бор ва албатта, уларни биргаликда амалга ошириш муҳим.

– Ўзбекистон 1992 йил март ойида Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлди. Ҳозирга қадар унинг 13 та конвенциясини, шу жумладан, 8 та асос солувчи конвенцияларининг 7 тасини ратификация қилди. Улар асосида меҳнат шароитини янада яхшилашга оид кўплаб амалий ишлар адо этилди. Мажбурий меҳнат масаласи эса алоҳида назоратда, – деди Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев.

Албатта, юртимизда Муносиб меҳнат дастури асосида ишчи-ходимлар манфаатлари таъминланиб, ҳимоя қилинади. Касаба уюшмалари ташкилотлари бу борада тизимли ишларни амалга оширмоқда. Бу барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсиш, ишчанлик фаоллиги ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлмоқда. Зеро, муносиб меҳнат – фаровон жамият асосидир.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда ўқитувчилар, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
Эъзоза УМРЗОҚОВА (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 17 сентябрдаги сонида «Жавобини кутаётган саволлар» рукни остида партияларга «Бадаллар сарҳисоби очиқланадими?» деган савол билан мурожаат қилгандик. Унга «Адолат» социал демократик партияси қуйидагича муносабат билдирди:



УСТАВ БЎЙИЧА ИШ КЎРИЛАДИ

«Адолат» СДП уставида партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан аъзолик бадалини белгилаш, тўлаш ёки тўлашдан озод этишни белгилаш қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, йил давомида йиғиладиган бадал:

ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари учун ойлик маошининг бир фоизи;

бюджет соҳаси вакилларига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир фоизи;

чекланган даромадга эга партия аъзолари (пенсионер, талаба ва бошқалар) учун эса бир йилда 2000 сўм этиб белгиланган.

«Адолат» социал демократик партияси раиси ўринбосари У.РАСУЛОВ

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official



Фаолият

21 ОЙЛИК МУАММО УЧ КУНДА ҲАЛ БЎЛДИ

Жалақудуқлик З.Қабутбоеванинг турмуши ўхшамади. Уч нафар болани ёлғиз ўзи катта қиляпти. Кенжатойи энди бир ёшдан ошган. Шу боис бирон-бир жойда ишлашнинг иложи йўқ. Норасидаларни едириб-ичириш учун эса пул керак. Мана икки йилдирки, собиқ умр йўлдоши улардан хабар олмайди.

Суднинг 2023 йилнинг 19 январидаги қарорига асосан уч нафар фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган бўлса-да уни тўламайди. Зулфиянинг МИБга йўллаган мурожаатидан эса ҳеч қандай натижа чиқмаган. Орадан 21 ой ўтган бўлишига қарамай, алимент пуллари ундириб берилмаган.

Тўғри, бу вақт оралиғида жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судининг тегишли қарори билан отаолишларнинг маслаҳати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 «Ишонч телефони»га сим қоқди.

– Мурожаатимдан уч кун ўтиб, пластик картамга 33 миллион 300 минг сўм алимент пули тушди, – дейди З.Қабутбоева. – Болаларимнинг ҳақини шунча вақтдан бери ололмаётган эдим. «Ишонч телефони»нинг ёрдами билан бу муаммо ижобий ечим топди. Мутасаддиларга раҳмат.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

Музработ туманининг Обиҳаёт маҳалласида яшовчи Гулнора Намозова 2012 йил 1 июнда 15-мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи вазифасига ишга қабул қилинган. Кўп ўтмай, ошпаз вазифасига ўтказилган. Шу йилнинг 1 мартида тарафлар келишувига ва Меҳнат кодексининг 157-моддасига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Буйруққа ходимнинг ўз хоҳиши билан ёзган аризаси ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги келишув асос бўлган.

БИР ҚАРАШДА ҲАММАСИ РИСОЛАДАГИДЕК, АММО...

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек – ходимни вазифасидан озод қилиш жараёни қонунан амалга оширилган. Аммо...

Меҳнат кодексининг 157-моддаси талабига кўра, меҳнат шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасидаги ёзма шаклда расмийлаштирилган қўшимча келишувга асосан амалга оширилиши, мазкур ҳужжатда меҳнат шартномаси бекор қилинадиган сана, қўшимча келишув тузилган сана ва тарафларнинг реквизитлари кўрсатилиши белгиланган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 115-моддасида битимни қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 123-моддасига биноан, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Айни шу важлар билан фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Пировардида суд жараёнида иш берувчи Г.Намозова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда қатор хатоликларга йўл қўйгани ойдинлашди. Буйруқ бекор қилинди. Ходим ишга тикланди. Иш берувчидан унинг фойдасига 4 миллион 149 минг 641 сўм (мажбурий бекор юрган кунлари учун) иш ҳақи ҳамда 800 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Тадбир

БОШ МАҚСАД – ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг «Ўзбекгидрогеология» ДМ Давлат геологик мониторинг хизматида гендерга оид аудитни ўтказиш тадбири амалга оширилди.

Касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнат инспекцияси бош меҳнат-ҳуқуқ инспектори Жамолиддин Турсунов ва бошқа мутасаддилар иштирокидаги ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, ташкилотда гендер тенгликни амалга ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, вакант лавозимларга янги ишга қабул қилинган 20 нафар ходимдан 5 нафари аёл. Давлат геологик мониторинг хизмати ходимлари салоҳияти ва тажрибасини ошириш мақсадида малака ошириш ўқув-курсларига шартнома асосида ўқитишга юборилганларнинг ҳам ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Бундан ташқари, марказ бошлиғининг номенклатурасига кирувчи раҳбар ходимларнинг захира жадваллари шакллантирилишида асосий эътибор хотин-қизларга қаратилади. Шунингдек, тиббий кўрик ўтказилиши натижасида бир гуруҳ аёл ходимларга тегишли кўрсатмалар асосида яшаш ҳудудидаги шифохоналарга йўлланмалар бериб бориляпти.

Тадбир доирасида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун белгиланган тенг ҳуқуқ ва имкониятлар, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, шунингдек, оила масалалари юзасидан тушунтириш ҳамда тавсиялар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Нормурод ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгашининг меҳнат техник инспектори

Бошлангич ташкилотларда

КАСАБАҚЎМ РАИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

У ўзи танлаган касбига садоқат билан хизмат қилади ва жамоатчилик ишларида фаол бўлишни дил истаги деб билади. Мана шундай фаолият йўналишини ўзининг асосий вазифалари сифатида қабул қилган ҳолда ишлаётган Бухоро шаҳридаги 23-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Зебинисо Қурбонованинг фаолияти билан яқиндан танишиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.



У 2000 йилдан бери шу даргоҳда педагог бўлиб ишламоқда. Айни чоғда, мактаб методик бирлашмаси раиси ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида жонбозлик кўрсатмоқда. Кўп йиллик фаолияти давомида билими, қобилияти, ташкилотчилиги билан жамоадошлари орасида обрў-эътибор қозонди. Замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш, мактабда соғлом ва ишчан муҳит яратиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Жамоадошлари уни ходимлар манфаати учун курашадиган, ҳамкасбларининг яхшиёмон кунларида ҳамнафас бўла оладиган инсон сифатида қадрлашади. Ўзининг беш йиллик касбакўм раислиги даврида қатор кўрик-танловларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритгани фидокорона меҳнатлари маҳсулидир. 2023 йилда у «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Жамоа шартномалари ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилган даргоҳда меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатлаш, зарарли меҳнат шароитлари учун имтиёз ва компенсациялар белгилаш масалаларига асосий эътибор қаратилади. Жамоада меҳнат қилаётган 120 нафар кишидан 91 нафари олий маълумотли, 3 нафари ўрта махсус маълумотли, 6 нафари пенсионер ва 20 нафари ишчи-ходимлардир.

Ижтимоий шериклик тизимига асосан, маъмурият билан ҳамкорликда ташкилот фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилади. Педагогларга ўқув юкламаси тақсимоти, ички меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқилиши, ходимларни ишга қабул қилиш ёки озод этиш ҳужжатларини расмийлаштиришда касаба уюшмаси қўмитаси доим қатнашади.

– Касаба уюшма қўмитасига келиб тушган 17 та ёзма ва 8 та оғзаки мурожаатдаги талаблар Меҳнат кодекси асосида қондирилди, – дейди Зебинисо Қурбонова. – Зарур ҳолатларда юқори касаба уюшмаси ташкилотлари вакиллари амалий ёрдам кўрсатишди. Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган давра суҳбатлари бир неча бор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Шу боис низоли ҳолатлар вужудга келмади, мурожаатлар бирмунча камайди.

Касабақўм раиси хонасида ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар рўйхати шакллантирилиб борилади. Унга ҳамда тушган аризаларга мувофиқ, ходимларга соғломлаштириш йўлланмалари ва моддий кўмак бериб келинмоқда. Санаторийларга 8 нафар ходимга имтиёзли йўлланма ажратилди.

Касаба уюшма қўмитаси тавсиясига мувофиқ, 12 нафар ходимга моддий ёрдам берилди. Йил давомида жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун бир ходимга ўртача сарфланган маблағ 3 миллион 156 минг 900 сўмни ташкил этди. Ўтган йили иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик юзага келмади. Ўқув йили давомида педагог ва ходимларнинг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди.

– Лекин шуни ҳам эътироф этиш керакки, касаба уюшмаси ташкилотларининг чинакам уюшқоқ ва соҳада таъсирчан кучга айланиши учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд, – дейди Зебинисо Қурбонова. – Касаба уюшма қўмитасининг энг асосий вазифаси ишловчиларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш экан, бизга берилган ишончни оқлашга, келгусида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз. Зотан, биз, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий драйвер эканимизни ҳамиша ёдимизда сақламоғимиз лозим.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...



ТАЪТИЛ КУНЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

САВОЛ: Мен бош мутахассис лавозимида ишлайман. 2023 йил ноябрь ойида 36 кун меҳнат таътилида бўлиб, 19 декабрдан ишга қайтганман. Бу йил эса, 2024 йил август ойида 24 кун меҳнат таътили берилди. Бунинг сабабини сўраганимда, таътилдан кейин 8 ой ишламагансиз, 11 ой ишламагансиз дейишди. Менга таътил кунлари тўғри ҳисобланганми?

ЖАВОБ: Ходимга ҳар йили дам олиш ва ишлаш қобилиятини тиклаш учун лавозими ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда меҳнат таътили берилади.

Меҳнат кодексининг 222-моддасида меҳнат таътили ишлаган давр учун эмас, иш йили учун берилиши лозимлиги кўрсатилган. Меҳнат таътили давомийлигини ишлаб берилган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқариш ҳолатлари Меҳнат кодексининг 223-моддасида назарда тутилган. Мазкур нормада белгиланган тартибга кўра, меҳнат таътили давомийлиги фақат биринчи иш йили учун ва қуйидаги тоифа ходимларига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда тўлиқ давомийликда берилади.

– таълим ташкилотларининг ўқитувчилари ва услубиётчиларига;

– биринчи иш йилида олти ойдан кам ишлаган ўриндошларга – асосий иши бўйича ҳар йилги меҳнат таътили берилганда. Ушбу тоифадаги ходимларнинг иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ҳар йилги меҳнат таътилига тўлиқ ҳажмда ҳақ тўланади;

Меҳнат қонунчилигининг юқорида таъкидланган норма талабларига кўра сизга, меҳнат таътили ишлаган даврингиз муддатидан қатъи назар, 38 календарь кун давомийлигида меҳнат таътили берилиши лозим бўлса-да, ушбу қоидага риоя этилмаган.

Арипжон ГАЙНАЗАРОВ,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юрисконсульти

Орамиздаги одамлар

МЕҲНАТ УЧУН ТУҒИЛГАН ИНСОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Кўксаройда Мустақилликнинг ўттиз уч йиллиги муносабати билан турли соҳалар вакилларига фахрий унвонлар, орден ва медаллар топшираётганида эҳтиромга лойиқ кўрилганлар сафида Нурота тумани «Авазсой» МФЙдаги Оқтепа қишлоғида истиқомат қилувчи 92 ёшли Мусурмон Ҳамидовни кўриб, тўлқинланиб кетдим. «Нурота агропилла» МЧЖ ходими бўлган бу инсон «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Ҳали қўлига ҳасса олмаган Мусурмон бобо меҳнат учун туғилган. Бу отаси Ҳамид бобо ва онаси Раҳима момодан юққан. Мусурмон етти йиллик мактабни тамомлагач, тракторчилик, чўпонлик қилган. 1976 йилдан 2011 йилгача бригадир сифатида деҳқонларга, пилла-корларга бош бўлган. Қўлидан кетмонини туширмай, умр йўлдоши Роҳатой момо билан Нозботир сарҳадига 7 гектар майдон бўйлаб сойдан насос билан сув чиқариб, қўлда 32 минг туп тут кўчати ўтқазган. Бу жасорат талаб этадиган иш эди. Атроф тўла чорва экани боис тутзорни қўриқлаш осон бўлмасди. Тўсиқлар билан ўраб, навбати билан қўриқчилик қилишарди. Негаки, пилла боқиб, ундан даромад олувчилар ҳам кам эмасди-да.

Мусурмон бобо 60 йилдан буён пилла қурти боқиб келади. Бу йил ҳам 200 кило сифатли пилла етиштиришди.

– Юртбошимиз кўксимга нишонни тақиб қўйганида беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Қўлимни самимий сиқиб, шаънимга дил сўзлари айтганида болалардек ҳаяжонландим, – дейди Мусурмон бобо. – Бугун Мустақиллик халқимизга нима бергани ҳар қадамда сезилаётир. Буни ҳис қилиш чинакам бахт эмасми? Фақат бир армоним, бу кунни аёлим Роҳатой кўролмади. Бу унвон уники ҳам деб биламан.


Илгарилари қишлоқлар ва тоғ оралари да тутзорлар бўларди. Юзлаб оилалар ҳар мавсумда пилла боқарди. Ҳозир катта тутлар деярли қолмаган, ўтинликка кесилиб кетган. Энди уларни тиклаб бўлмайди, аммо ҳудудларда ер ости сувларидан фойдаланиб, тутзорлар барпо қилиш учун кенг имкониятлар бор. Бунга озгина эътибор ва ҳаракат керак, холос. Муҳими, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, иш тутилса, ота-боболар тажрибасига таянилса, барчасини амалга оширса бўлади. Чунки сув оққан арикдан яна сув оқаверади.

Суюндик Мустафо НУРОТОИЙ



«Ishonch» ракурси

ҚЎНИМ ЙЎҚ ЖОЙДА УНУМ БЎЛМАЙДИ



Шу йилнинг биринчи ярми давомида Андижон вилоятида давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг ягона очиқ портали орқали 32 та ташкилот ва туман-шаҳар ҳокимликларида бўш турган 875 та лавозимга танловлар эълон қилинди. Уларда иштирок этиш учун 30 мингдан ортиқ номзодлар ариза юборган ва 1 ўринга ўртача 34 нафар талабгор тўғри келган.

Бундан кўринадики, бугун кўпларнинг тасаввуридаги «Ишга қабул чоғида танимаганни сийламайдилар» деган тушунчалар эскича қарашга айланди ҳисоб. Энди давлат идоралари раҳбарлари ўз ташкилотидаги бўш лавозимларга бирор жияни ёки ошна-оғайнисини ими-жимида жойлаб, буйруқ чиқара олмайди. Аввал ягона очиқ портал орқали эълон жойлаштирилади, барча талабгорларга тенг имкониятлар яратилади, пировардида билими, профессионал сифат ва малакасига қараб, энг муносиб номзод саралаб олинади. Шу маънода агентликнинг «Халқчил давлат хизматига очиқ йўл» деган шиори ҳам бежиз танланмагандек.

Аммо кадрлар танлашдаги очиқлик ва шаффофликни инкор этмаган ҳолда, айни масалага бошқа ракурсдан қаралса, аллақачон пишиб етилган ва тартибга солиниши зарур бўлган жиддий муаммо кўзга ташланади. Бу аксар давлат идораларидаги кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқ масаладир.

Кейинги йилларда давлат ташкилотларида маъмурий ислоҳотлар билан боғлиқ жараёнлар бўй кўрсатаётганидан хабардорсиз, албатта. Дастлаб давлат раҳбарининг «Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2022 йил 21 декабрь), сал ўтмай «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2023 йил 25 январь) фармонлари қабул қилинди. Бу ҳужжатларнинг амалдаги ижроси натижасида вазирлик ва идоралар тизимида жами 17 минг 447 та штат бирликлари қисқартирилганидан ҳам воқифсиз. Давлат ташкилотларини ихчамлаштириш орқали бюджет маблағларини тежаш ва самарали бошқарувга эришиш мақсад қилинган ушбу ҳужжатлар қабул қилинган даврдан бугунги кунга қадар эса мавжуд штат бирликларини оммавий равишда кенгайтириш борасида айтарли бирор гапсўз бўлгани, ҳукумат доирасида муҳим ҳужжат қабул қилингани йўқ.

Модомики шундай экан, ана энди юқорида айтилган бошқа ракурсдан берилиши керак бўлган саволни кўндаланг қўйсак: шунча қисқартириш жараёнларидан сўнг олти ой ичида деярли янги иш ўринлари очилмаган вазиятда бир вилоят бўйича 875 та вакант лавозим эълон қилинишининг сабаблари нимада?

Давлат хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ порталини кузатсангиз, кейинги йилларда энг кўп эълон берилган йўналишлар ҳоким ёрдамчиси, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоли ҳамда ёшлар етакчиси лавозимларидир. Баъзан порталда вилоят бўйича бирваракайига бир хил лавозим бўйича ўттизталаб вакант эълон қилиниш ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Соҳада кузатилаётган бундай қўнимсизликка қандай омиллар сабаб бўлмоқда: ойлик маош озми ёки мутахассислар талабга жавоб беришмаяптими? Суриштирувимизга кўра, вакант лавозимларни тўлдиришга масъул агентликда идоралардаги қўнимсизликнинг сабаблари юзасидан таҳлилий маълумот юритилмайди. Жой бўшадими, бўш иш ўрнини жамоатчиликка эълон қилиш ва янги муносиб номзодни танлаб олиш керак – асосий вазифа шу.

Аммо юқорида саналган уч лавозимда фаолият олиб бораётган аксарият кадрлар билан суҳбатлашганимизда, кўп ҳолларда иш юкламаси ортиб кетганини таъкидлашмоқда. Жумладан, ишдан безиш ва ариза ёзиш ҳолларига бир-бирини такрорловчи топшириқларнинг кўплиги, турли жадвалларни тўлдириш, электрон платформага жойлаш, қайта-қайта хатлов ўтказиш, ҳисоботбозлик ҳамда маҳаллий ҳокимлик йиғилишларида тез-тез қатнашиш каби самарасиз вазифалар кўпроқ сабаб бўлаётир.

Қолаверса, кузатувларга кўра, аксарият ташкилотларнинг фаолият учун жозибадор эмаслиги, билимли, малакали, келажаги бор мутахассислар учун лавозимдан лавозимга ўсиш «зинапоялари» қарийб йўқлиги боис яхши мутахассисларнинг кўп қисми ўзини бошқа соҳаларга, хусусан, хусусий секторга ураётгани ҳам бор гап. Мана, бу фикрга яққол бир исбот: халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг 2023 йил 20 ноябрь кунги «Ҳоким ёрдамчилари фаолияти натижадорлигини ўрганиш натижалари ва аниқланган камчиликлар ҳақида»ги қарорида ўтказилган мониторинглар жараёнида 49 та ҳоким ёрдамчиси лавозими вакантлиги, шулардан 6 таси уч ой давомида бўш тургани таъкидланади. Шу боис вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғига зудлик билан бўш лавозимларни тўлдириш, бу каби узоқ муддатли вакантларнинг олдини олиш чораларини кўриш вазифалари юклатилади.

Қаранг-да, давлат ташкилотида бўш жой бор, ойлик маоши нолимагудек, бу ҳақда очиқ эълон берилган, аммо, мана, мен эплаб ишлайман, деган яхши кадр кам. Бу каби ҳолатларни деярли ҳар бир идора тизимида бугун ҳам учратиш мумкин. Демакки, масъул идоралар қўнимсизлик сабабларини таҳлил этиши ва жиддий чоралар кўриши тақозо этилади.

Гап бандлик ва давлат ташкилотларидаги қўнимсизлик хусусида борар экан, бир рақамга эътибор қаратиш зарур. Яъни 2024 йилнинг дастлабки олти ойида Андижонда фуқаролик ишлари бўйича судларда асосини ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш каби даъволар ташкил этувчи 208 та меҳнат низоси кўриб чиқилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан айни турдаги ишлар сони 120 тага ортганини кўрсатмоқда. Мазкур рақамлар мутасаддиларни уйғотиши, вилоятда меҳнат ва бандлик соҳасида юзага келган тизимли муаммоларни бартараф этишга ундаши керак.

Шу ўринда айтишингиз мумкин: вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси масъуллари Андижондаги ташкилотларда юзага келаётган кадрлар қўнимсизлиги ва раҳбарларнинг меҳнат қонунчилигини қўллашида юзага келаётган муаммоларнинг барчасини бартараф этишга улгурмаётган бўлса керак-да?!

Бўлиши мумкин, аммо, бизнингча, ҳудудда бандлик сиёсатига масъул бўлган ушбу бошқарма теварак-атрофдаги айни соҳага тааллуқли масалаларни ўрганишдан кўра, ўзларининг қобиғига ўралашиб қолгандай. Чунки газетамизда икки йил аввал ҳам ёзганимиздай, меҳнат муносабатларида ҳақсизликка учраган ходимлар бош уриб борадиган идоралардан бири бўлган мазкур бошқарма шу тизимдаги ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиши ортидан ўзаро судлашиб юриш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Яқин уч йил ичида вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасининг қанча ходимлари суд орқали ишга тикланмади дейсиз? Айтмоққа осон, аммо меҳнат қонунчилигини қўллашга масъул мутасаддиларнинг суд мажлисида айнан меҳнат муносабатларига оид низоларда жавобгар сифатида қизариб туришини тасаввур қиляпсизми? Бошқармада икки бор раҳбар алмашиб, муайян вазият ва иш тутуми ҳамон ўзгармаётган экан, бошқа ташкилотлардаги қўнимсизликлар ҳали-бери тўхташига умид..., ундан ҳам кўра, илинж бор, холос.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

Таълим

Миллат болалари МАКТАБДА УЛҒАЯДИ

Жорий йилда Янгибозор туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатни тамомлаган 46 нафар ўқувчининг барчаси олий ўқув юртларида ўқишга аҳд қилганди. Ўртача кириш балли 138,4 бални ташкил этиб, муассаса республика ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар рейтингида биринчи ўринни эгаллади. Биз бу ютуқ сири билан танишиш мақсадида мактаб-интернатда бўлдик.

– Мана, беш йилдирки, битирувчиларимизнинг ҳаммаси мактабни тамомлаган йилиёқ талабалик бахтига мушарраф бўлишяпти. Бу жамоамизни янги ютуқларга руҳлантиради, албатта. Собиқ ўқувчиларимизнинг икки нафари Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси. Илмий изланишлар олиб бораётганлари, нуфузли ташкилотларда фаолият кўрсатаётганлари, тадбиркорликни йўлга қўйганлари ҳам кўп. Асосийси, уларнинг барчаси жамиятда ўз ўрнини топмоқда, – дейди мактаб-интернат директори Шоира Рамазанова.

Директор буни мактабда яратилган шарт-шароитлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар масъулиятни бирдай ҳис қилиши билан изоҳлайди.

ИЛМСИЗЛИК ЖАҲОЛАТ

Муассаса дарвозаси олдидаги «Таълимнинг машаққати вақтинчалик холос. Билимсизлик – жаҳолат, машаққати абадийдир» деган ёзувлар диққатимизни тортди. Бунинг исботи ўлароқ, болаларга билимнинг аҳамияти 5-синфданоқ тушунтирилиб, иштиёқ шакллантирилади.

Мактаб-интернатнинг ўз тартиб-қоидалари бор. Уч баҳо олмаслик, табиатни эъзозлаш, озодалик, ўзаро дўстона муносабатда бўлиш, улкан мақсадлар йўлида тинимсиз изланиш ўқувчилар учун шарт қилиб қўйилган талаблардир.

Дарвоқе, аниқ ва табиий фанларни, хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган мактаб-интернатни бу йил тамомлаганларнинг 43 нафари хорижий тил сертификатини қўлга киритди. 2024-2025 ўқув йилининг биринчи ойида 41 нафар битирувчининг қарийб 20 нафари сертификат олишга муваффақ бўлди.

ОТА-ОНАЛАР ҲАМ ИМТИҲОНДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

Мактабда жорий қилинган тартиблардан бири, бу – ҳар йили декабрь ойида барча ўқувчилар бешта фандан оғзаки имтиҳонлар топширадилар. Бунинг нимаси янгилик дейсизми? Гап шундаки, ўқувчи имтиҳонга ота-онасисиз қўйилмайди. Ота-она ҳокимлик вакилими, судья, прокурор ёки оддий деҳқон, фарқи йўқ. Келмаса, фарзанди имтиҳон топширолмайди. Топширмаса, ўқувчиликдан четлатилиши мумкин. Аввалига айримлар эътироз билдирди. Бироқ бунинг афзаллиги тушунтирилиб, талаб қатъий қўйилгач, ҳамма бўйсунишга мажбур бўлди. Муҳими, тез орада имтиҳон ва унда ота-она иштироки нечоғлик аҳамиятли эканлигини ўзлари англаб етишди ва қўллаб-қувватлашди.

– Бундай имтиҳон ўқувчи зиммасидаги масъулиятни оширади, таълимнинг шаффофлигини таъминлайди. Ота-она эса фарзандининг билим даражаси, салоҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади. Буни йўлга қўйганимиздан кейин ўқувчиларимизнинг ўзлаштириш даражаси янада ошди, – дейди директор.

ҲАММА КИТОБ ЎҚИШИ ШАРТ!

– Жорий йилдан янги лойиҳа бошладик. Унга кўра, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-она ҳам китоб ўқиши шарт. Ўқувчиларга ҳар ойда ўқиши учун бир китоб тавсия қилинади. Уни бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ҳам, ота-оналар ҳам ўқийди. Шу асосда декабрь ва май ойларида китобхонлик танлови ўтказамиз, – дейди Шоира Рамазанова. – Олдинги йиллари бу тажрибани қуйи синфларда қўллаган эдик. Энди барча синфларда жорий қиляпмиз. Ўқувчи бир ўқув йили давомида 9 та асар ўқиши шарт. Китоб шундай сеҳрга эгаки, тўққизта китоб ўқиган киши ўнинчи китобни ўз хоҳиши билан ўқишга эҳтиёж сезади. Китобхонлик танловида ўқувчи саволга жавоб беришга қийналса, ота-оналари ёрдам беришлари мумкин. Бу тажриба китобхонликни тарғиб қилишга хизмат қиляпти. Болаларга қўшилиб ўзим ҳам ҳар ойда янги китоб ўқияпман. Биз юз фоиз китобхонлар жамоасимиз.

ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ САККИЗ МИЛЛИОН СЎМ

Мактаб-интернатда 314 нафар ўқувчига 40 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Уларнинг барчаси олий маълумотли, олий ва биринчи тоифали педагоглардир.

– Муассасамиз икки йил бурун ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигига қарашли мактаб-интернатга айланди. Мен ва барча ходимлар ишга ўтиш учун имтиҳон топширдик. Мактабимизда олдиндан ишлаб келаётган ўқитувчиларнинг 70 фоизи улардан муваффақиятли ўтди. Ҳозир жамоамизда фаолият кўрсатаётган педагогларнинг барчасини ўз ишининг устаси дея оламан, – дейди суҳбатдошимиз.

Шоира Сатимовна ўз фикрини исботлаш мақсадида бир неча рақамларни тилга олади. Ўқитувчиларнинг 7 нафари хорижий, 3 нафари рус тили сертификатларига, математикачиларнинг 7 нафари GMAT, 2 нафар ўзбек тили ва адабиёти, 2 нафар тарих, 1 нафар география фани ўқитувчиси миллий сертификатга эгалигини эътироф қилади. Муаллимларнинг кўпчилиги 40-60 фоиз устама олишади. Ўртача иш ҳақи 8 миллион сўмга тўғри келмоқда. Ўн фоиздан зиёд ходимлар 10 миллион сўмдан ортиқ ҳақ олади.

– Ўқитувчиларимиз бир кун ҳам ўрганишдан тўхтамайди. Ўзим ҳам инглиз тилини ўрганяпман. Тарихий китоблар ўқияпман, таълим-тарбияга доир хорижий ва маҳаллий тажрибаларни мунтазам ўрганиб, ўз фаолиятимизга татбиқ қиламиз, – дейди директор.

БОЛАЛАР БОЛАЛАРГА ЎРГАТАДИ

Муассаса яна бир янги лойиҳага қўл урди. 5-6-синф ўқувчилари тумандаги умумтаълим мактабларида бўлиб, 4-синф ўқувчилари билан интерактив машғулотлар олиб боришади.

Бу йил 5-синфга 48 нафар ўқувчи қабул қилинди. Улар 800 нафардан зиёд талабгор орасидан танлаб олинди. Лойиҳадан кўзланган мақсад билимнинг аҳамиятини тарғиб қилиш, муассасага энг билимли болаларни қамраб олишдир. Ўқитувчи ёки ота-она болага «Яхши ўқи!» деса, унчалик таъсир қилмайди. Лекин тенгдошининг билим-салоҳиятига ҳавас билан қарайди. Нима учун мен ҳам шундай бўлолмайман, деб ўйлайди, ундан зўрига тенглашишга интилади.

ТЎГАРАККА ҚАТНАШИШ МАЖБУРИЙ

– Мактаб-интернатимизда ўқувчиларнинг фан тўгаракларида қатнашиши шарт қилиб қўйилган. Машғулотларни тарбиячилар ўтишади. Мақсадимиз – тарбиячилар ҳам ўз устларида ишлашларини таъминлаш. Улар дарс ўтмаганидан кейин билимлари ёддан чиқмасин деймиз. Ўқувчиларимиз кун давомида ўқиб, зерикиб қолмасликлари учун ҳар бир тўгарак машғулотидан кейин интерактив ўйинлар ўйнашади, спорт машқларини бажаришади, мусиқа билан шуғулланишади, – дейди Шоира Рамазанова.

Машғулотларда Ватан, ота-онани қадрлаш, инсон ва табиат муносабатлари, экологик муаммолар, миллий анъана ва қадриятлар ҳақида ҳам кенг тушунча берилади.

ЮТУҚЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Ҳудудни айланиб, унинг нақадар озодалиги диққатимизни тортди. Муассасага киверишда иккита ютуқлар дарахти бўлиб, шохларига қўлга киритилган муваффақиятлар акс этган лавҳалардан иборат мевалар илинган. Серҳосил дарахтларга қараб, ўқувчилар кўплаб ютуқларни қўлга киритишганини кўриш мумкин. 2023-2024 ўқув йилида ўнлаб ўқувчилар фан олимпиадалари, Ҳоким олимпиадаси, «Заковат» ўйини, Ал-Хоразмий номидаги ТАТУнинг Урганч филиали томонидан ташкил қилинган «Ал-Хоразмий – 2024» олимпиадаси, «Бола ҳуқуқлари»га оид расмлар танлови, сунъий интеллект ва робототехника йўналишлари бўйича ташкил қилинган олимпиадаларнинг вилоят ва республика босқичида ғолиблар сафидан жой олишганди.

2024-2025 ўқув йилининг биринчи ойида ўқувчилардан Шоҳруҳ Матёқубов физика фанидан вилоят ҳокими олимпиадасининг 8-турида 3-ўринни эгаллаб, 3 миллион сўм пул ютуғига эга бўлди. «Жентлменлар» жамоаси «Заковат» интеллектуал ўйинининг вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритди. Ўқувчиларнинг ижодий ишлари, илмий мақолалари оммавий ахборот воситаларида нашр қилинди.

– Мақсадимиз – халқаро ареналарни забт этиш. Билимли ва иқтидорли ёшларнинг орзу ва мақсадлари рўёбга ошишига кўмаклашишдир, – дейди директор.

ЭЗГУЛИК ТАРҒИБОТИ

Мактаб-интернат кутубхонаси ҳар доим гавжум. Бундан ташқари, муассаса ётоқхонасида Мадраҳим Сафарбоев номидаги кутубхона ташкил қилинган.

Мадраҳим Сафарбоев тумандан етишиб чиққан олим, ўз шахсий кутубхонасидаги ноёб китобларни мактабга туҳфа қилди. Устознинг ўзи ҳам ўқувчилар орасида алоҳида китобхонлик танлови ўтказиб келади. Ҳар ўқув йили якунида ғолиблар 300, 400, 500 минг сўм миқдоридаги пул мукофотлари билан тақдирланади.

Кутубхона билан танишиш ниятида ётоқхонада бўлганимизда хоналарнинг шинам ва озодалиги, барча шароитлар яратилгани диққатимизни тортди. Йўлаклар ўқувчиларнинг қўл меҳнати маҳсулотлари билан безатилган.

ОБОДЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Мактаб-интернат касб-ҳунар марказида ҳам барча шароитлар муҳайё этилган. Тикувчилик, гиламдўзлик, рассомлик, робототехника, компьютер саводхонлиги, гулчилик, наққошлик, сунъий гуллар ясаш тўгаракларида ўқувчилар фаол қатнашиб келишмоқда. Муассаса хоналарини безаган гуллар айнан шу тўгаракларда парваришланган.

Умуман, мактаб-интернат ҳудуди ўта ободлиги билан диққатни тортади. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Аҳамиятлиси, ҳудудга иқлим шароитига мос, шўрга чидамли гужумлар, тераклар, олча ва бошқа маҳаллий дарахт кўчатлари экилган.

РАҲБАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

– Раҳбар салоҳияти жамоада ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қалбимда билимга иштиёқни онам уйғотган. Раҳматли биз билан мунтазам шуғулланар, уй вазифаларимизни қандай бажарганимизни текширар, яхши ўқишни талаб қилар, турли тўгаракларга олиб борарди. Онамнинг кўмаги билан фортепиано чалишни, тикувчиликни ўргандим, – дейди Шоира Рамазанова. – Ўқитувчилик эса отамнинг орзуси бўлган. Аммо, айрим сабабларга кўра, армонга айланган. Отамнинг орзусини ушалтириш учун шу касбни танладим ва бундан фахрланаман.



Шоира Рамазанова Урганчдаги махсус мактабни тамомлагач, дастлаб олий ўқув юртида мусиқа йўналиши бўйича таҳсил олди. Янгибозорга – Рамазановлар хонадонига келин бўлиб тушгач, бошланғич синфларга мусиқадан сабоқ бера бошлади. Шу орада Урганч давлат университети тарих факультетида сиртдан таҳсил олди. 2002 йилда тумандаги 10-ихтисослашган мактабда психолог сифатида иш бошлади. 2008 йилдан тарих фанидан сабоқ берди. 2011 йилда тумандаги 1-умумтаълим мактабига директор ўринбосари этиб тайинланди.

2015 йилда 10-ихтисослашган мактабга яна қайтди – бу гал директор бўлиб. 2022 йилда муассаса ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигига қарашли Янгибозор тумани мактаб интернатига айлантирилди. Тажрибали, тиришқоқ раҳбарга яна ишонч билдирилди.

– Қўлга киритаётган ютуқларимизда оиламнинг ҳам ҳиссаси бор. Қайнона-қайнотам нафақат туманимизда, балки вилоятда ҳам машҳур педагоглардан ҳисобланади. Умуман, уч овсин, қайнопам ва турмуш ўртоғим ҳам педагог. Оилада бештамиз халқ таълими аълочиси кўкрак нишонига эга бўлганмиз. Албатта, гап нишонда эмас. Мен ўз режаларимни қайнона-қайнотам билан маслаҳатлашаман. Улар ҳам менга кўплаб янги ғояларни таклиф қилишади. Оиламдан куч оламан. Мақсадим – миллат болаларига билим улашиш орқали юрт тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Мен эртага ҳаётингда нимага эришдинг, Ватанинг учун нима қилдинг, деб сўрашса, юзлаб болаларнинг билим олишига, оёққа туришига кўмаклашдим, дея баралла айтишни, ҳар доим халқим олдида юзим ёруғ бўлишини истайман. Бутун фаолиятим мана шу саволга муносиб жавоб беришга асосланган, – дейди Шоира Рамазанова.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»





Мутолаа



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» қиссаси ёзилганига 60 йил бўлди. Шунга қарамай, у ҳамон китобхонлар томонидан севиб ўқилади.

Қиссада образлар кўп эмас, ҳажми ҳам нари борса, юз саҳифа. Бош қаҳрамонлари Жамшид, Умида, Тилов – севги учбурчаги, учбурчак бўлганда ҳам бурчаклари кескир. Бир қарашда асарда 17-18 ёшли йигит-қизларнинг кўнгил савдолари ёритилгандай. Аммо бошқа севги қиссаларидан фарқли ўлароқ, унда асосий эътибор муҳаббат ва висолга эмас, севгини асрашга ва унга муносиб бўла олишга қаратилган.

Бугун эрта никоҳ ҳақида гап кетса, айрим кишиларнинг энсаси қотади. Китобда бунинг сабаби очиб берилади. Яъни ўсмирликдан балоғат ёшига ўтаётган вақтда одам ўткинчи ҳис-туйғуларга асир бўлади. Бундай пайтда ақл ўйиндан чиқади, чиқмаган тақдирда ҳам овоз бериш тугмаси ишламай қолган депутатдай қанча ҳаракат қилмасин, овози ҳисобга олинмайди. Бу эса оқилона қарор қабул қилишга монелик қилади.

Хуллас, Умида ўзининг ҳис-туйғуларини бефарқ қолдирган Жамшиддан ўч олмоқчи бўлади. Шу мақсадда унинг ўгай акаси Тиловга турмушга чиқади. Қизнинг режаси бўйича Жамшид бундан сиқилиши, изтироб чекиши лозим эди. Лекин амалда бундай бўлмади. Сабаби, Жамшид Умидани севмасди, қолаверса, у акасининг бахтини ҳамма нарсадан устун қўяди. Оқибатда шошқалоқлик ва ҳавойи истак устига қурилган оилага дарз кетади. Умида ҳатто эрига очиқчасига «Мен сизни севмайман», деб айтишгача боради. Бундан кейин аҳил оила ҳақида гапириб бўладими? Эрнинг аҳволини эса ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Жамшид Умиданинг асл мақсадини аввалдан биларди. Аммо бу ҳақда акасига оғиз очолмади. Бир жиҳати онасиз қолган Тилов аёл меҳрига зор эди, қолаверса, ўртада «Акам ўгай укам бахтимни кўролмаяпти», деб ўйламасин деган андиша ҳам турарди. Қисса якунида уч қаҳрамон уч томонга тарқаб кетади.

Аммо қиссанинг бори шу эди дейиш хато бўлади. Шукур Холмирзаев ижодида ўзига хос жиҳатлардан бири шуки, унинг асарларида Ватан ва халқ тарихининг нозик қирралари, характери очиб берилади. Буни кўпинча ўқувчи пайқамай ҳам қолади, аммо у воқеалар ривожи орқали онг остига таъсир қилади.

Қиссада ёшларнинг Ватан олдидаги асл бурчи, умуман, инсоннинг дунёга келишидан асл мақсади ҳақида узоқ ўйлаган Жамшид тилидан шундай дейилади:

«Ака, ўйлаб қарасам, тарихимизда бизчалик, урушдан кейин кўзи очилган авлодчалик бахтли авлод ўтмаган. Нимани кўрдик биз? Революцияними? Граждан урушими? Ё қизғин қурилишларними? Ёки Иккинчи жаҳон урушими? Кўрмадик. Фақат ўқидик тарихдан эшитдик одамлардан. Шунда ҳам баъзан яхши ўқимадик. Кексалар гапирганда эса, баъзан «эзма» деб, «насиҳатгўй» деб қулоқ солмадик уларга. Мана, яшаяпмиз. Бахтлимиз. Бутун авлодларимиз тайёрлаган меванинг баҳрасини биз кўраяпмиз. Хўш, энди нима қилиш керак?.. Улар ҳаёт бахтли бўлсин, деб курашган эканлар, бизнинг вазифамиз уни янада бахтиёроқ қилиш эмасми? ...Биз ўз юртимизни севамиз. Аммо вазифамиз фақат севиш, завқланиш, маза қилиш эмас, йўқ! Уларни янада севимлироқ, завқлироқ қилиш. Ҳа».

Бу жумлаларда ҳеч қандай маддоҳлик, сунъийлик ва дабдабасиз ВАТАН ҳақида бор ҳақиқат айтилган. Бу парчанинг аҳамиятини тўлиқ ҳис қилиш учун эса, албатта, қиссани ўқиш керак.

Отабек БАКИРОВ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Бувайда тумани кенгаши раиси

Оббосхон РАҲМОНОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Саёҳатнома

БИР ёнда денгиз, ёнда ўрмон...



«Тошкент – Тбилиси» йўналиши бўйлаб 11 минг метр баландликда учаётган самолёт Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон замини-ю, улкан Каспий денгизини ортда қолдириб, Грузия пойтахтидаги муҳташам аэропортга енгилгина қўнди. Шота Руставели номидаги халқаро аэропортда ўзбекистонлик меҳмонлар расмий рўйхатдан ўтказилгач, микроавтобус серқатнов, тирбанд кўчалар бўйлаб, ўз манзилига ошиқди...

ҚАДИМИЙ ХИЁБОНЛАР БЎЙЛАБ

«Astoria Tbilisi» меҳмонхонаси шаҳарнинг дам баландлаб, дам пастлаб, бир-бирига уланиб кетган ҳудудида жойлашган. Ҳар бир хона кенг ва осойишта, болохонадан дов-дарахтлар, кўпни кўрган ҳовлилар, пастқамгина дўконлар кўзга ташланиб туради. Саёҳат дастурига мувофиқ, ўзбекистонликларни шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш учун гид Наталья Павлиашвили хизматга ҳозиру нозир бўлди.

Илк манзил – Озодлик майдони Грузиянинг ўзига хос тимсоли ҳисобланади. Бу диёрга қадами етган инсон борки, майдонни зиёрат қилмасдан кетмайди. Айлана майдоннинг ўртасига ўрнатилган монумент Грузия халқининг бирдамлиги, тинчликсеварлиги ва меҳмондўстлигини ифодалаб туради. Экскурсия раҳбари Наталья Павлиашвилининг майдон ҳақидаги ҳикояси тасаввурларимизни янада бойитди:

– Сўнгги икки юз йиллик, яъни XIX-XX асрларда Озодлик майдони Грузия тарихида рўй берган кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлиб келмоқда. У шаҳарнинг тарихий ва замонавий туманлари бирлашган марказий қисмида жойлашган. Майдоннинг номи бир неча марта ўзгарган. 1828-29 йилларда генерал Паскевич-Ереванский Россия – Турция урушида қўрсатган хизматлари эвазига майдон унинг номи билан юритилган. Кейинчалик, яъни 1851 йилда театр ва карвонсарой бунёд этилгач, Театр майдони деб номланган. 1918 йилга келиб, Грузия Россия империяси истилосидан сўнг ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ушбу ҳудудни Озодлик майдони деб аташ таклифи олға сурилган. Аммо айрим йилларда унга Лаврентин Берия ва Владимир Ленин номлари берилиб, ҳайкали ҳам ўрнатилган. 1991 йилда Грузия ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан яна унинг эски номи тикланди. Майдонда фаввора отилиб туради. 2006 йилда майдоннинг ўрта қисмига муқаддас Грузия рамзи бўлган отдаги чавандоз монументи ўрнатилган. Эътибор беринг, унинг юқори қисми ялтираб турибди. Ҳайкалтарош Зураб Церетели ижоди намунасига икки килограмм олтин ишлатилган. Озодлик майдони нафақат ўтмиш, балки бизнинг давримизда ҳам грузин халқини бирдамликка, тотувликка, мардлик ва қаҳрамонликка, ўз ватанини севишга ундайди.

Қаршингиздаги олигархлар маблағи эвазига қурилган «Рапогата» бизнес марказида Грузияга ташриф буюрган ишбилармон доира вакилларининг учрашув ва музокаралари ўтказилади. Уч қаватли мана бу бино ўша замонда семинария бўлиб, Иосиф Сталин таҳсил олган. Ҳозир у санъат музейи бўлса-да, маълум сабабларга кўра, ишлаётгани йўқ.

Дам ўнгга, дам чапга, дам тўғрига қараб кетадиган шаҳар кўчалари ва уларга кўрк бағишлаб турган дов-дарахтлар, буталар ва гулларни кўриб, баҳридилингиз очилади.

Салкам уч соатлик саёҳатда грузин ҳайкалтарошлари яратган Дон Кихот ва Санчо Панса ҳайкали, итальян меъморлари лойиҳаси асосида қурилган болохонали уйлар, энг кичик соат, Анчисхат черкови тўғрисидаги маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Маълумотларга кўра, бу диёрда сайёҳлар учун 2196 та меҳмонхона мавжуд. Шундан 827 таси йирик иншоот, 811 таси уй типида, 398 таси меҳмон учун қурилган махсус уй, қолганлари ижара шартномаси асосида ишлайдиган катта-кичик бинолар ҳисобланади.

Тбилиси шаҳрига борган сайёҳ учун канатда учиш энг завқли лаҳзаларни туҳфа этади. Маълумотларга кўра, канат 2012 йилда барпо қилинган ва қисқа муддатда нафақат тбилисиликлар, балки шаҳар меҳмонларининг ҳам севимли сайргоҳига айланган. 8 кишига мўлжалланган 7 та кабинанинг 3 таси Кура дарёси устига қурилган Тинчлик кўприги узра ғизиллаб кетса, 4 таси бу бошидан у томонга қараб учади. Канатда учиш вақти бор-йўғи икки дақиқа, аммо шу лаҳзалар орасида сиз лойқаланиб оқаётган Кура дарёси сокинлигини, узоқдан кўзга ташланиб турган Кавказ тоғларини, шаҳар гўзаллигини ҳис қиласиз.

МЦХЕТИ – ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

Тбилисидан йигирма чақирим наридаги Мцхети тоғ ва тоғолди ҳудудида жойлашган мўъжазгина шаҳарча. Бу манзилдан сайёҳлар қадами узилмайди. Улар учун извош, самокат ва скутерлар хизматда. Грузин халқининг кўҳна ва замонавий ҳунармандчилигини шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб кетган катта-кичик дўконлардан сезиш мумкин. Грузин тўқима буюмлари – ҳалинчак, пайпоқ, қўлқоп, қалпоқ, рўмол сайёҳлар эътиборини тортади.

Мцхети ва бошқа шаҳарларда грузин халқининг миллий ширинлиги – чурчхела сотилади. Сариқ, напормон, яшил, қизил, жигарранг бу ширинликни тайёрлаш учун яхши қуритилган ёнғоқ, ўрик ёки унинг мағзи, бодом, фундук, олма, олхўри, анжир майда бўлакланиб, ипга тизилади. Сўнгра 30 дақиқа қайнатилиб, ун билан қуюлтирилган оқ узумнинг қиёмига солинади. Қуюққина қиёмга турли ранг бериш мумкин. 15-17 кун мобайнида қуритилган маҳсулот қуруқ жойда сақланса, бир неча ойгача сифатига путур етмайди. Қиём тагига «жойлашган» қуруқ мева маржонсимон кўринишга келади, уни доналаб қўл билан ситиб олиш ва ейиш мумкин.

Тбилиси шаҳрига борган сайёҳ учун канатда учиш энг завқли лаҳзаларни туҳфа этади. Маълумотларга кўра, канат 2012 йилда барпо қилинган ва қисқа муддатда нафақат тбилисиликлар, балки шаҳар меҳмонларининг ҳам севимли сайргоҳига айланган. 8 кишига мўлжалланган 7 та кабинанинг 3 таси Кура дарёси устига қурилган Тинчлик кўприги узра ғизиллаб кетса, 4 таси бу бошидан у томонга қараб учади. Канатда учиш вақти бор-йўғи икки дақиқа, аммо шу лаҳзалар орасида сиз лойқаланиб оқаётган Кура дарёси сокинлигини, узоқдан кўзга ташланиб турган Кавказ тоғларини, шаҳар гўзаллигини ҳис қиласиз.

О, БАТУМИ, ТИЛЛАРДА ДОСТОН ШАҲАР!

Тбилисидан Батумига борувчиларни саккиз соатлик йўл ўзига чорлайди. Катта трасса, ям-яшил арчазору, буталар, кўл ва дарёларни ортда қолдириб, Грузиянинг тилларда достон Батуми шаҳрига етиб келгунингизча «Йўл азоби – гўр азоби» деган нақлни бир неча марта кўнгилдан ўтказасиз.

Ана, машаққат ортда қолди, сизни Қора денгиз соҳилида жойлашган Батуми шаҳри қучоқ очиб қарши олади. Ҳар қадамда меҳмонхона, ҳар қадамда дўкон. Пальма, арча, магнолия, каштан каби манзарали дарахтларнинг соя ташлаб, савлат тўкиб туриши ҳар бир сайёҳга аъло кайфият бағишлайди. Чор атрофдан денгизнинг шовуллаши эшитилади. Хоҳланг, ўнг томондан чиқинг, хоҳланг, чап томондан одимланг, қаршингизда ястаниб ётган улкан денгизга дуч келаверасиз...

Дарвоқе, Грузияга оқиб келаётган сайёҳларнинг барчаси ана шу кўҳна гўшага интилади. Грузин гидларининг таъкидлашича, Батуми энг кўп сайёҳ қабул қиладиган шаҳарлардан бири бўлиб, Европа, Шарқий ва Марказий Осиё, Африка давлатларидан ҳар йили минглаб сайёҳлар Қора денгиз бўйида дам олгани келадилар.

Денгиз соҳилида эркагу аёл, ёш-қари, оқ ва қора танли кишилар ўтирганини, қирғоқ қисмида эҳтиёткорона сузаётганини кўрасиз. Мавжланиб оқаётган денгизда дамба-дам одам бўйи, ҳатто ундан ҳам баланд тўлқинлар ҳосил бўлади. Тўлқин шиддат билан кўтарилиб, пасаяди ва зарб билан қирғоққа урилади. Денгизнинг саёз қисмида ўтирган сайёҳларни тўлқин қирғоққа осонгина олиб чиқиб қўяди.

Сайёҳларни нафақат денгиз соҳилида ўтириш, чўмилиш, уни томоша қилиш, балки бир текис сузувчи теплоход ва яхталар ҳам ўзига оҳанрабодек тортади. Денгиз техникалари алоҳида ҳудудга қўйилган. Бу ерга бориш учун камида ўн чақиримча яёв юриш керак. Шу боис сайёҳлар кўпинча яхтага бориш учун такси ёллашади.

Катер, моторли қайиқ, яхтанинг кўплаб турлари Қора денгиз узра эрталабдан кечгача сайёҳлар хизматида. «Морская звезда» яхтаси Испанияда ишлаб чиқарилган. Унинг узунлиги 10,5, эни 3,5 метр. Ташқи қисмидаги қизил ранг сайёҳларга ўзгача илҳом ва завқ бағишлайди.

«Морская звезда» мавжланиб турган кўмкўк денгиз тўлқинлари узра бир маромда сузади. Ана, сизга денгизнинг жозибадорлиги!

СУБТРОПИК БОҒ

Батумидан тахминан ўн чақиримча нарида беҳад катта майдонни ишғол этган Ботаника боғи мавжуд. У Чаквистскали дарёси ва Кабо-Верде ўртасидаги қирғоқ чизиғининг жанубий-ғарбий қисмида тахминан бир километр масофани эгаллайди. Боғ ўзига хос географик хусусиятлари билан ажралиб туради. Унинг очилишида Харьков университети профессори Андрей Краснов ташаббускорлик кўрсатган. 1912 йил 3 ноябрда очилган мазкур боғ дунё харитасида ўз ўрнига эга.

Боғнинг флора олами жуда бой бўлиб, 9 та фитогеографик бўлимга жамланган. Боғ коллекцияси 1800 таксономик бирликдан иборат бўлиб, 90 та ўсимлик маҳаллий, 1540 таси турли хорижий флора вакилларидир. Бу ерда 140 дан ортиқ давлатнинг соҳа ходимлари, университетлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. 1998 йилда мазкур маскан Бутунжаҳон ботаника боғи халқаро ўсимликларни муҳофаза қилиш иттифоқига (БГСИ) аъзо бўлди. Бу Жаҳон ботаника боғи билан ҳамкорлик қилиш, илмий маълумотлар алмашинуви ва ягона стратегик йўналиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир.

ТАДБИРКОР ГААГА

Маълумотларга кўра, бу диёрда сайёҳлар учун 2196 та меҳмонхона мавжуд. Шундан 827 таси йирик иншоот, 811 таси уй типида, 398 таси меҳмон учун қурилган махсус уй, қолганлари ижара шартномаси асосида ишлайдиган катта-кичик бинолар ҳисобланади.

«Gama palace» меҳмонхонаси уй типида қурилган бўлиб, саккиз қаватдан иборат. Унинг тўққизинчи қавати ресторан, аммо у ҳали фойдаланишга топширилгани йўқ. Бу маскандан бир гуруҳ сайёҳлар кетмай туриб, яна бир давлатдан меҳмонлар қадам ранжида қилади. Хоналар камида тўрт соат аввал бўшатилиши, саранжом-сариштa қилиб қўйилиши керак, талаб қатъий. Ҳатто ҳар бир хонада енгил таом тайёрлаш учун электр печь, идиш-товоқ мавжуд. «Rustar turizm»сайёҳлик агентлиги ходимлари бу меҳмонхонада хизмат кўрсатиш нархи бошқаларига нисбатан анча арзон эканлигини айтишади.

– Бизда май ойидан октябрнинг ярмига қадар меҳмон қадами узилмайди, – дейди «Gama palace»раҳбари Гаага Мамуладзе. – 15 киши доимий иш ўрни билан таъминланган. Сайёҳлар уч-тўрт кунга келади. Биз йигирмага яқин сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорликда ишлаймиз. Агар уларга хизмат нархимиз маъқул келса, турли давлатлардан келувчи сайёҳларни тўлов турига қараб, бизга жўнатади. Кўпроқ Марказий Осиё давлатлари, Беларусь, Россия, Саудия Арабистони, Украина, Арманистон, Озарбайжондан сайёҳлар ташриф буюради. Дам олиш мавсуми бошлангандан бери 15 минг кишига хизмат кўрсатдик. Тахминан 40 фоиз меҳмон ўзбекистонликлар эканидан жуда хурсандмиз.

ХАЙР, ГРУЗИЯ! САЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН!

Батуми халқаро аэропортидан Тошкентга учувчи «Gentrium» авиакомпанияси самолёти денгиз сатҳидан 34 минг метр баландликда учиб, роппа-роса уч соат деганда манзилга енгилгина қўнди. Ер юзидаги юзлаб давлатлардан бирида бўлиб, бой таассурот билан қайтишнинг завқи ўзгача, албатта. Жаҳон харитасида ўлка кўп, давлат кўп, миллат, элат кўп, урф-одатлар кўп, кўрган, билган яхши. Лекин яшаш учун ўз юртимизга тенг келадигани йўқ! Беихтиёр ҳассос шоир Муҳаммад Юсуфнинг ўтли сатрлари ёдга тушади:

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга,
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга!

Ҳаққоний ва қайноқ сатрлар! Шоир юраги Ўзбекистонни деб қанчалик ҳаяжон ила урган бўлса, унинг миллионлаб фарзандлари ўз юрти қадр-қимматини олисда кўпроқ туядилар.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 21:20
Topshirildi – 21:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 021 ta
Shundan:
7 139 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6